725
С 18

М.А. Садиқова

TOSHKENT ARXITEKTURA QURILISH INSTITUTI
TAQI
1991

ЗАМОНАВИЙ АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент – 2013 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА — ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

М.А. Садикова

ЗАМОНАВИЙ АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

5580100 – Архитектура йўналиши учун

TAQI Axborot resurs markazi
№ 8/46

Тошкент – 2013 й.

Муаллиф: Доцент М.А. Садиқова "Замонавий агросаноат мажмуаси" (Ўқув қўлланма. 84 –бет. Тошкент, 2013й.).

Ушбу ўқув қўлланмада ижодий изланишларнинг ва қишлоқ поселкаларнинг замонавий тенденцияларни ва қишлоқни лойиҳалаштириш соҳаси талабларини ҳисобга олган ҳолда асосий бошқичлари келтирилган.

Қўлланмада Ўзбекистоннинг маҳаллий ва иқлимий хусусиятлари ҳисобга олиниб, бу талабалар учун "Замонавий агросаноат мажмуасини" нинг курс лойиҳаси учун мустақил ишларини олиб боришда жуда зарурдир.

В данном учебном пособие приведена основные этапы творческого поиска и решения сельскогого посёлка с учетом современных тенденций и запросов в области сельского проектирования.

Учтены местные климатические и национальные особенности Узбекитана, что является необходимым для студентов при самостоятельной работе над курсовым проектом "Современный агропромышленный комплекс".

The local climatik and national characteristics of uzbekistan are taken into account, which is essental for students to work on their cjurse work.

This textbook contains the main stages of creative research witn regards for modern tendency and in the field of agricutural designind.

Тақризчилар:

Мирзаев М.Қ – Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси" кафедраси доценти, архитектура номзоди

Мухамеджанов Қ.Х – МЧЖ «Unik arx project"» ГАП раҳбари архитектура номзоди, профессор

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан турдош ўқув юртлари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган.

СЎЗ БОШИ

Замонавий агросаноат мажмуасини режалаштириш ва қуриш – лойиҳасида қишлоқ аҳоли яшаш жойининг ривожланиш кўлами ва тавсифи хўжалик ва туманнинг умумий ривожланиши билан боғлиқ ҳолда белгиланади.

Унда қишлоқ аҳоли яшаш жойининг режавий тузилиши, функционал ва қурилиш зоналарига ажратиш, архитектура-режавий тузилишини ташкил этиш, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш тизимини, саноат объектлари ва мажмуаларини ташкил этиш ҳал қилинади: коммуникациялар, мухандислик жиҳозлаш, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш тизими ечилади. Шулар билан бирга лойиҳада ижтимоий-иқтисодий, архитектуравий-бадиий ва бошқа масалалар ҳал этилади.

Аҳоли яшаш жойининг режавий ва фазовий тузилиш деганда, унинг барча қисмлари ва унсурларининг уйғунлашган бирлиги, уларни ташкил этиш тамойиллари ва қонуниятлари тушунилади.

Қишлоқ ҳудуди қуйидаги қисмлар-зоналарга бўлинади:

- Аҳоли жойлашган зона - бу ерда турар жой биноларн, жамоат биноларн ва ташкилотлари, кўчалар ва майдонлар, боғлар, хиёбонлар, спорт майдончалари ва стадионлар;
- Саноат зонаси – бу ерда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш мажмулари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш корхоналари, энергетика, транспорт, коммунал ва бошқа объектлар жойлашади.

Қишлоқ тузилиши унсурларига унинг функционал зоналаридан ташқари, унинг композициясини бош унсури ҳисобланган жамоат маркази ва асосий кўчаси киради. Жамоат марказининг шаҳарсозлик аҳамияти унинг қишлоқ барча зоналари ва тузилиш унсурлари билан қулай боғлиқлиги орқали ифодаланади. Ривожланган режавий тузилиши унсурлари қаторига қуйидаги табиий омиллар – сув ҳавзалари, кўкаламзорлар, аниқ ифодаланган рельеф унсурлари ҳам киради.

Қишлоқ режавий тузилиши асосини унинг ҳудудини функционал зоналарга ажратиш ташкил этади. Бу функционал зоналарни ўзаро тартибга солинган, улар орасида қулай пиёдалар ва транспорт алоқаларини таъминланган ҳолда жойлаштиришдан иборатдир.

Иқтисодий жиҳатдан турар жой ва ишлаб чиқариш зонларини мажмуа қилиб жойлаштириш, улар орасида қулай алоқалар ташкил этиш мақсадига мувофиқдир.

Аҳоли жойлашган зонани одамлар соғлиғи учун қулай бўлган, табиий

шароитлари жиҳтдан чиройли бўлган, рельеф ва дарё оқими бўйича юқорирокда жойлашган, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши маҳмуаларига қараб шамол эсадиган худудларда жойлаштириш тавсия этилади. Аҳоли жойлашган зонани ишлаб чиқариш ва омборхоналар зонасидан санитария-химоя бўлаги билан ажратиш лозим. Санитария-химоя зонаси ўлчамлари меъёрий ҳужжатлари бўйича аниқланади. Бу зона қўқаламзорлаштирилиши ва ободонлаштирилиши мақсадга мувофиқдир.

Ишлаб чиқариш зонасини текисроқ шамолланадиган худудда транспорт магистралларига яқинроқ маҳаллий йўллар билан узвий боғланган, ҳамда хўжаликнинг фойдаланадиган ерлари билан яхши боғланган худудларда жойлаштирилиши лозим.

Қишлоқ жойларини режалаштириш ва қуриш ҳозирги замон амалиётида аҳоли жойлашган ва ишлаб чиқариш зоналарини бир-бирига, ҳамда транспорт магистралларига нисбатан жойлаштиришнинг қуйидаги кўринишидан кўпроқ тарқалган:

1. Аҳоли жойлашган ва ишлаб чиқариш зоналарини транспорт ҳаракатланадиган йўллар бўйлаб, унинг бир томонида жойлаштириш;
2. Асосий зоналарни транспорт йўлларининг бир томонида, ҳамда ишлаб чиқариш зонасини аҳоли жойлашган зонадан кейин жойлаштириш;
3. Транспорт йўлларининг бир томонида ишлаб чиқариш зонасини, сўнгра аҳоли яшаш зонасини жойлаштириш;
4. Аҳоли жойлашган ва ишлаб чиқариш зоналарини транзит йўлнинг иккала томонида жойлаштириш;
5. Ишлаб чиқариш маҳмуаларини аҳоли жойлашган, ҳамда транспорт йўлларига нисбатан тарқоқ ҳолда жойлаштириш.

Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш тизими аҳоли жойлашган жойлар тизимида шаклланган ҳолатини ҳисобга олган ҳолда дифференциал равишда ҳал этилиши лозим. Булардан ташқари жойнинг табиий иқлими ва бошқа шароитларини ҳам ҳисобга олиниши лозим. Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш ташкилотларининг турлари, ўлчамлари аҳоли яшаш жойнинг умумий аҳоли яшаш тизимидаги ўрнига, хизмат кўрсатишнинг усуллари ва шаклларига боғлиқ ҳолда аниқланади. Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш ташкилотлари қуйидагилар: болалар ясли-боғчалари, умумтаълим мактаблари, клублар, савдо марказлари, маиший хизмат уйи, маъмурий бинолар, спорт иншоотлари, коммунал ташкилотлар. Жамоат маркази объектларини, қулай ва чиройли жойлаштириш керак, қишлоқ ҳаётидаги энг асосий жойларни кучайтириш лозим, худуднинг топографик ва режавий хусусиятларидан фойдаланиш керак. Шулар орқали қишлоқнинг ўзига эътиборини жалб этувчи архитектуравий-бадиий образини яратиш

лозим. Шу билан бир каторда уларнинг аҳолига хизмат кўрсатиш радусларини инобатга олиш зарур.

Транспорт ва пиёдалар ҳаракати. Кўчалар ва пиёдалар йўллари ишлаб чиқариш ҳамда аҳоли жойлашган зоналарнинг жамоат маркази билан қулай боғланишини таъминлаши лозим. Булардан ташқари боғ, дам олиш ва спорт зонлари, ҳамда ташқи коммуникациялар билан ҳам қулай боғланишни таъминлаши керак.

Лойиҳалашда қишлоқ жамоат маркази жойлашган бош кўча, бошка кўчаларга нисбатан кенгроқ (18-24 м) бўлишини назарда тутиши лозим.

Иккинчи даражали кўчалар эни – 10-12 м, маҳаллий кўчалар эни – 8 м бўлади. Пиёдалар ва транспорт йўлларини бир-бирларидан ажратиш лозим.

Кўкаламзорлар. Қишлоқнинг архитектура – режавий тузилишида турар жой бинолари ва жамоат маркази билан биргаликда кўкаламзорлар катта ахамият касб этади, курилишнинг бадиий кўркамлигини бойитади. Кўкаламзорлар аҳолининг ҳаёт фаолияти учун ниҳоятда зарур бўлган қулай санитария-гигиена шароитлар яратиш имконини беради, ҳавонинг таркибига, тозалигига, ҳароратига, намлигига, ҳамда шамол эсиши ҳолатига таъсир этади. Кўкаламзорлар уларнинг фойдаланишига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- Умумфойдаланадиган истирохат боғлари, боғлар, хиёбонлар, маҳаллий кўчалардаги кўкаламзор бўлаклар (меъёрий хужжатлар бўйича 12-15 м^2 / киши);
- Чекланган равишда фойдаланадиган турар жой гуруҳлари атрофидаги, жамоа бинолари ҳовлиларидаги, саноат зонаси худудидаги;
- Махсус максаддаги – санитария-ҳимоя ва сувни муҳофаза қилиш зоналари, мемориал экинлар,питомниклар, гул хўжалиги.

Турар жой қурилиши. Қишлоқ қурилиши учун кам қаватли ҳовлили уйлар анъанавий хисобланади. Бу турдаги уйлар кўплаб бошка қулайликларга ҳам эга: табиий мухит билан боғланганлиги, катталар ва болалар учун соф ҳавода дам олишни ташкил этиш, маҳаллий иқлим ва миллий анъаналарни ҳисобга олиш. Қишлоқ аҳолиси ўзининг хусусий томорқасига, хусусий хўжалигига эга бўлади ва ўз томорқасида етиштирилган мева ва сабзавотлардан фойдаланади. Шунинг учун хусусий томорка 100 м^2 дан кам бўлмаслиги керак. Шу билан бирга халкимизнинг демографик жиҳатдан ўзига хослигини (болалар сонининг кўплиги) ҳам назарда тутиш лозим.

Лойиҳани бажаришга киришдан аввал шаҳарсозлик лойиҳалашнинг ўзига хос томонларини англаб олмоқ керак.

Аввалги ҳажмий лойиҳадан фарқли ўлароқ, шаҳарсозликда ўлчовлар

анчагина бошқача, яъни иш метрларда эмас, балки гектарларда ва квадрат метрларда олиб борилади. Шаҳарсозлик лойиҳалаш асосида 10 ёки 100 одамни эмас балки ўн минглаб ва юз минглаб одамларни жойлаштириш вазифаси ётади. Шаҳарсозлар қишлоқ ва шаҳарларнинг эмас, алоҳида олинган вилоятларнинг ёки давлатнинг йирик иқтисодий туманларини (худудларини) лойиҳалаштирадилар.

Шаҳарсозлар аввало турли хил функционал худудларни ташкил этиш ва ободонлаштириш билан шуғулланадилар: турар жой худуди, боғ-роғлар худуди, саноат омборхоналар худуди ва бошқалар. Шунингдек, юқорида номлари зикр этилган худудларни ўзаро боғлаб турувчи йўл-транспорт тизимини ишлаб чиқадилар, сув-иссиқлик, газ таъминоти, оқава сувлар, электрлаштириш, телефон тармоқлари ва бошқа кўпгина инсон ҳаётини таъминловчи воситаларни лойиҳалаштирадилар. Буларнинг барчаси шаҳарсоз меъморлар касбининг ўзига хос томонларини ифодалайди.

Агромажмуа қишлоқ (посёлкаси) шаҳарсозлик лойиҳалашнинг дастлабки боскичида энг оддий ва қулай объект ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик агромажмуаси бир майдонда жойлашган ва қишлоқ хўжалик маҳсулотининг якуний ёки оралиқ турларини ишлаб-чиқаришнинг умумий технологик жараёни билан бирлаштирилган ишлаб чиқарувчи объектларининг йиғиндисидир.

Агромажмуалар қуйидаги белгиларга қараб классификация қилинадилар:

- вазифаси ва йуналиши;
- бўйсуниши;
- ташкилий - ишлаб-чиқариш тизими;
- мулкчилик шакли;
- ем келадиган манбаа;
- қуввати.

Ўқув қулланма, ўқув режасига асосан бажарилган ва «агромажмуа» курс лойиҳасини бажаришда қўл келади.

Ўқув қўлланмани тузишда, республикамизнинг шаҳарсозлик йўналишида фаолият кўрсатувчи илмий-текшириш ва лойиҳа ташкилотларининг илмий ва ишлаб-чиқариш фаолияти натижаларидан, шунингдек Тошкент архитектура-қурилиш институтининг илмий ишларидан фойдаланилган.

I - БЎЛИМ. Курс лойиҳасини бажаришнинг босқичлари ва услуби

Лойиҳани бажариш жараёнини қуйидаги блокларга бўлиб чиқиш мақсадга мувофиқдир: тайёрлов, ахборот; ижодий изланиш; ижодий жараён; график усулда бажариш.

1. Тайёрлов, ахборот босқичи.

Мақсад: дастур-топшириқ билан танишиб чиқиш:

- лойиҳалашнинг ландшафт режавий шароитларини ўрганиш;
- лойиҳа мавзуси бўйича керакли ахборотларни ўрганиш;
- агромажмуанинг ижтимоий талаблари ва функционал ташкил этиши ўртасидаги узаро алоқани аниқлаш.

Кириш маърузасида муаллимлар талабаларни қишлоқ қурилиш ва лойиҳалашдаги сўнгги ютуқлар ҳамда лойиҳалаш услуби билан таништирадилар.

Бу босқичнинг натижаси аниқ функционал ва меъморий-фазовий масалаларни тўлиқ тушуниб етишда намоён бўлмоғи керак:

- агромажмуанинг умумий аҳоли жойлашув тизимидаги ўрни аҳамияти ҳамда унинг ердан фойдаланиши чизмаси билан алоқаси;
- мажмуанинг асосий ҳудудлари ўртасидаги функционал боғлиқлик;
- мажмуанинг асосий кириб келиш томонидан кўзга ташланиш шартлари;
- агромажмуанинг асосий ҳудудлари ва энг қиска йўловчилар ўтиш йўлларининг транспорт алоқаси масалалари.

Дастлаб ер тузилиши ўрганилади, мавжуд табиат омиллари (қўқаламзорлар, сув ҳавзалари, тепаликлар, тоғ олди ҳудудлари ва х.к.) кўриб чиқилади. Ҳудудни чизма тасвирда ўрганиб чиқиш билан бирга аҳолини яшаш пункти аҳолисини сони, болалар муассасалари ва бошқа маданий-маиший хизмат муассасалари хисоблаб чиқилади.

Вазифа берилган М 1:2000 нисбатдаги топографик асосда бажарилади.

2. Ижодий изланиш босқичи.

Мақсад: агромажмуа бош режасини ҳал қилиш бу вариантларини излаш ва тузиш.

Бу босқич топшириш мавзуси бўйича клаузурадан бошланади ва агромажмуа турини танлашга олиб келади. У чекланган материалда имкон борича кўпроқ қизиқарли хулосаларга келишга ёрдам беради.

Сўнгра кейинги босқич навбати келади: чизгилар бажаришдаги ижодий изланиш.

Чизгиларни бажариш асосан муаммоли услублар ёрдамида хал этилади:

а) дастлаввал муаммо қўйилади (дастлабки маълумотлар);

б) сўнгра якуний натижани олдиндан кўра билиш (нима келиб чиқиши керак);

в) бир нечта бажарилган вариантларни таққослаш. Барча ижобий ва салбий режавий ечимлар кўриб чиқилади, қарама-қаршиликлар ўрганилади;

г) бу қарама-қаршиликларни хал қилиш.

Лойиҳалаш жараёнининг ўзи башоратли бўлиб, муаллиф ўз кўз ўнгида намоён бўлган аниқ образ холатида хали мавжуд бўлмаган холатга дуч келади. Бундан ташқари вужудга келган саволларга бир муаллифнинг жавоблари ҳам турлича бўлиши мумкин.

Ушбу босқич натижаси чизги-гоянинг ишлаб чиқилишидир.

Чизги-гоя М 1:2000 нисбатда бажарилади ва гурух муаллимлари томонидан тасдиқланиб, давом эттириши учун тавсия этилади.

3. Ижодий жараён босқичи.

Мақсад: қабул қилинган чизги-гояни аниқлаштириш ва ишлаб-чиқиш.

Бу босқичда лойиҳани амалдаги санитария-гигиена, ёнгинга қарши ва иқтисодий меъёрларга мослаштириш керак булади.

Қуйидаги чизмаларни чизиш таклиф этилади:

- ишлаш ва жамоат бинолариии қамраб олган турар-жой худудидан иборат бўлган аҳолини яшаш пунктининг меъморий-режавий ечимининг асоси булган *функционал худудларга ажратиш чизмаси*;
- саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалик хом-ашёни қайта тиклов заводлари, уларга хизмат кўрсатувчи бино ва иншоотлар билан банд бўлган *саноат худудлари чизмаси*;
- темир йўл, сув, автомобил ва ҳаво транспорти иншоотлари эгаллаган худудларни ўз ичига олган *ташки транспорт худуди чизмаси*

1.1. Поселка худудини функционал зоналашга намунавий шартли тасвирлар

- худуднинг ҳам ички ҳам ташқи қисмлари ўртасидаги алоқаларни таъминловчи автомобил йўлларидан иборат бўлган ягона йўллар тизими бўлмиш *транспорт ва пиёдалар ҳаракати чизмаси* (1.2-расм);



1.2-расм. Транспорт, хўжалик ва пиёдалар ҳаракатини технол этиш усулларига боғлиқ бўлган кўча ва йўлаклар тармоғини қуриш чизмаси.

а-кўча ва йўллар ҳаракат характерига қараб дифференциялашган, трасспорт, хўжалик, пиёда ҳаракати бутун тармоқ бўйича бир текис амалга ошади; б-кўча ва йўлаклар пиёдалар йўлакчалари ва хиёбонлардан ажратилган йўллар; в-хўжалик йўлакчалари турар-жой худудидан бутунлай ажратилган, транспорт ва пиёда ҳаракати бирлаштирилган; г-кўча ва йўлакларнинг бирлаштирилган тармоғи; 1-посёлкаларо магистрал; 2-турар-жой кўчаси; 3-йўлакчалар; 4-пиёдалар хиёбони; 5-хўжалик йўли; 6-жамоат маркази атрофида турар-жой худудларини жамлаган болалар муассасалари, маданий-маиший хизмат кўрсатиш

- *объектларини жойлаштиришни ва хизмат доирасини аниқлаш чизмаси.* Посёлканинг жамоат маркази ўз ичига маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектларини қамраб олиб, посёлканинг композицион ядроси ҳисобланади. Болалар боғчасининг хизмат кўрсатиш доираси — 300 м, мактабнинг — 500 м, жамоат марказнинг — 1000 м. (1.3-расм);



1.3-расм.

кўкламзорлаштириш чизмаси — яшил ўсимликлар посёлок ҳаётида муҳим ўрин тутади, улар посёлканинг микроиқлимига таъсир этади, аҳолининг рухий кайфиятини яхшилайди. Посёлок боғи қишлоқ аҳлисини дам оладиган жой ҳисобланади.

4. Лойиҳани график усулда бажариш.

Курс лойиҳаси устида ишлашнинг сўнги босқичи -тасдиқланган чизғини чизиш ва график усулда безаш. График безаш қуйидагича бўлиши мумкин: қора-оқ усулда, сувли бўёқ ёрдамида, гуашь ёрдамида, макет ва график усулни бирлаштирилган ҳолда, аппликацияни қўллаган ҳолда ва х.к. (бажарувчининг имкон ва ҳохишига боғлиқ равишда). График ижро муҳим аҳамиятга эга бўлиб, муаллифга ўз ғоясини атрофдиларга етказиб беришга ёки аксинча, яхши ғояни тўлиқ равишда етказиб бера олмаслигига сабаб бўлиши мумкин. Лойиҳа, шунингдек, компьютер графикаси ёрдамида ҳам бажарилиши мумкин.

II-БЎЛИМ. Асосий қисм

Кириш

Агромажмуа режавий қишлоқ хўжалик туманларидаги ва қурилиши лойиҳаси туманни режалаштириш комплекс чизмаси асосида амалга ошириши лозим.

Туманни режалаштириш чизмаси мамлакатни маълум бир худудининг ривожлантириш истиқболлари ва ишлаб-чиқарувчи кучларни ривожлантиришнинг илмий асосланган комплекс режасидир. Туманни режалаштиришнинг бош вазифаси халқ хўжалиги турли тармоқларининг ҳамда алоҳида саноат, қишлоқ хўжалик, қурилиш ва бошқа корхоналарнинг ўзаро мос равишда оқилона жойлаштириши, шаҳарлар, посёлкалар ва бошқа аҳоли пунктларининг ривожланиши истиқболларини аниқлашдан иборатдир. Туманни режалаштириш чизмаси қишлоқ посёлкасининг аҳоли яшаш худудларида қурилиш ҳажмини аниқлаш ва жойлаштиришни аниқлаб беради: уй-жой, маданий-маиший, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи ишлаб-чиқариш корхоналар билан бир қаторда сув ҳавзаларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш, табиат мухофазаси ва бошқалар бўйича аниқ режалардан иборат бўлади.

Лойиҳалашнинг муҳим асоси қурилишнинг комплекслигидир. Бу асос, айниқса, сувсиз қийин ўзлаштириладиган худудлар учун муҳимдир.

Бир вақтнинг ўзида йўллар, муҳандислик тармоқлари, ишлаб чиқариш маҳсулотлари ва агромажмуа турар-жой худуди қурилиши олиб борилади. Ҳар бир мажмуа худуди агромажмуанинг 2500-3000 кишини ташкил этувчи аҳолиси яшайдиган ягона яшаш худуди (усадьба) барпо этилади.

Замонавий агромажмуа гурухлаб аҳолини жойлаштириш тизимисиз мавжуд бўла олмайди, у бу тизимнинг бир бўлагига айланади ва ўз режавий тузилишида аксини топган маълум вазифасини бажаради.

Янги ерларнинг ўзлаштиришнинг муҳим принципи, қурилишнинг комплекслигидир. Бу принцип, айниқса, сувсиз ва қийин ўзлаштирадиган худудлар учун муҳимдир. Сув ва суғориш тармоқларини барпо этиш билан бир қаторда йўллар, муҳандислик тармоқлари, посёлкалар, ишлаб-чиқариш мажмуалари қурилиши олиб борилади.

Янгидан ўзлаштирилаётган туманларни ривожлантириш туманни режалаштириш умумий чизмаси асосида ҳал этиладиган хўжаликларро ер тузилиши лойиҳасидан бошланади.

Ушбу хулосаларда аниқланишича, ихтисослаштирилган пахтачилик хўжаликларининг оптимал ўлчами 6,0 - 6,5 минг га ни ташкил этади.

Замонавий посёлок гурухли аҳолини жойлашуви тизимисиз мавжуд бўла олмайди. Аҳолининг жойлашуви - бу ўзида аҳолини ва инсон ҳаёти учун зарур бино ва иншоотларни жамлаган аҳоли пунктлари йиғиндисидир. Маълум бир худудда

жойлашган аҳоли пунктлари тармоғи. Ҳудуднинг аҳоли жойлашуви тизимини ташкил этади. Аҳоли пунктлари ўзаро турли даражадаги ҳудудларарo ишлаб-чиқариш, бошқарув, маданий-маиший хизмат кўрсатиш, меҳнат ва ахборот алмашуви орқали алоқададир.

Аҳоли жойлашувининг турли даражалари мавжуд:

биринчи - қатъий кундалик ва жадал хўжалик алоқалар асосида шаклланадиган қишлоқнинг жойлашув тузилиши даражасида;

иккинчи - бутасимон аҳоли жойлашув тизими бир неча қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб-чиқариш, меҳнат, маданий-маиший, яшаш алоқалари асосида вужудга келади.

учинчи - туман марказлари билан тўлиқ ҳудудий-хўжалик бирлиги сифатида туманнинг маъмурий чегараси доирасида шаклланади.

Агромажмуа тизимининг бир бўлагига айланади, унинг режавий тузилишида ўз аксини топган ҳолда ўзининг маълум вазифасини бажаради.

Агромажмуа режавий лойиҳасини ишлаб-чиқишдаги биринчи қадам лойиҳалаш учун ажратилган ҳудудни функционал бўлакларга бўлиб чиқишдан иборат бўлади.

Йирик агромажмуа ҳар бир аҳоли пункти таркибида маданий-маиший ва коммунал муассасаларининг тўлиқ тўпламини ташкил этиш имкониятини беради.



2.1-расм. Қишлоқ ҳудудининг схемаси

1-марказ; 2-перспектив яшаш жойлари; 3-посёлканинг ривожланиш жараёни чегаралланган ҳолати; 4-посёлканинг ишлаб-чиқариш бўлимлари; 5-перспектив бўлмаган посёлка.

Ўзбекистон ҳудудида қишлоқ аҳоли яшаш пунктларини қуриш ва лойиҳалашнинг турли хил шарт-шароитлари мавжуд. Мураккаб рельефли тоғ олди ҳудудлари мавжуд, аммо аҳоли яшаш пунктлари қурилиши асосан суғориладиган ерларнинг, текис рельефида амалга оширилади.

Ўрта Осиё ҳудудида суғориладиган ерлар амалда зарур ерларининг йирик массиваларини ташкил этади. Бу массиваларнинг баъзи IV иқлимий ҳудудда жойлашган.

Ҳудуднинг катта қисми 6 - 9 баллик сейсмик кўрсаткичига эга бўлиб, тупроғи юмшоқ, чанг тўзонларга мойил, табиий ўрмонлар ва дарахтзорлар йўқ ва ҳ.к. Яъни сунъий кўкаламзорлар ташкил этиш зарурати мавжуд. Хусусий томорқа хўжалигини юритиш имкониятини таъминлашни ҳисобга олмоқ керак.

Барча бошланғич маълумотлар (ландшафт, ҳудуднинг уйига хос томонлари, туманни режалаштириш умумий чизмасида жойлашуви, турар-жой ва жамоат ишлаб-чиқариш бинолари типологияси)ни ўрганиш асосида лойиҳанинг асосий вазифаси - юксак даражадаги меъморий, фазовий композицияга эга бўлган, аҳолига қулайлик, талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган, яъни инсон қўли билан яратилган қулай ҳаётий муҳитни яратиш масаласи ҳал қилиниши лозим.

Лойиҳа аниқ бир ҳудудда бажарилади. Талаба лойиҳани бажариш учун топшириқ олади. Унда:

1) 1:2000 нисбатдаги топографик асос;

2) Хўжалик ҳудудини ташкил этиш чизмаси (ердан фойдаланиш чизмаси) (2.2-расм);



2.2-расм. 4000 га майдонли агромаконуа ҳудудининг режаси.

1-турар-жой посёлкаси; 2-бригада ҳовлиси; 3- таъмирлаш хўжалик ҳовлиси; 4-ньноводческий ҳовли; 5-омбохоналар ҳовлиси; 6- чорвачилик фермаси; 7-парранданчилик фермаси; 8-ёнилги ва мойлаш материаллари ҳовлиси; 9-мевазор боғлар; 10-ветлаборатор; 11-мол мозори; 12-қабристон.

Дастур - топшириқ (лойиҳалаш меъёрлар ҳақидаги тушунчалар билан) мавжуд бўлади.

Аҳоли сони шаҳарни ташкил этувчи гурухдан иборат бўлган ва ишлаб чиқаришда банд бўлганлар сонида келиб чиққан ҳолда ҳисобланади. Аҳоли ва турар-жой фонди ҳисоби жадвалда тўпланади (жадвал шакли дастур - топшириқда алоҳида кўрсатилган).

Лойиҳалашнинг табиий - иклимий шароитлари агромакомуа бош режасини лойиҳалаш учун ажратилган худуднинг қайси туманда жойлашганига қараб белгиланади.

Хулоса - аҳолини ҳисоблашнинг асосий принципларни ва лойиҳа объектининг шаҳарсозлик нисбатлари билан танишиш.

Лойҳалашнинг ижтимоий воситалари — бу яхлит ташкил этилган худуд шаклдаги агромажмуа ҳаётий муҳитини юзага келтирувчи функционал белгилардир.

1. Худудни функционал бўлакларга бўлиш.

Аҳоли пунктини режалаштиришдаги биринчи қадам худудни нисбатлар асосида функционал бўлакларга бўлиб чиқишдан иборатдир.

*функционал тузилишига кўра қишлоқ аҳоли пункти ҳар бири ўз функциясига эга бўлган худудий бўлакларга бўлиб чиқилади.

- агромажмуада уч асосий бўлак мавжуд:

1. Турар-жой худуди;
2. Ишлаб-чиқариш худуди;
3. Ташқи транспорт худуди.



2.3-расм. **Посёлканинг функционал худудларининг айрим _мисоллари.**

- турар-жой худуди;
- ишлаб-чиқариш худуди;
- ташқи транспорт худуди.

Турар-жой худуди қуйидагилардан ташкил топади
(2.4-расм.):

- турар-жой худуди;
- жамоат маркази;
- мактаб ва болалар муассасалари;
- жамоат кўкламзорлари ва спорт иншоотлари;
- кўча ва йўлаклар.



2.4-расм. Посёлканинг композицион меъморий-лойиҳаланга мисол.

Турар-жой худудининг таҳлилий баланси диаграммаси:

Турар-жойлар 50%			
Боғ ва спорт %	Мактаб ва боғча %	Кўчалар, майдонлар %	Жамоат %

Турар-жой худуди тахминан лойиҳаланади, умумий майдон ва аҳоли сони ҚМҚ 2.07.04-98 жадвали асосида ҳисобланади. Унда брутто зичлиги асосида посёлка турар-жой худуди ўлчамлари аниқланади.

Ишлаб-чиқариш худуди хўжалик йўналишига қараб хўжалик элементларининг турли таркибидан иборат бўлади.

Лойиҳалашда талабалар мавжуд типдаги ишлаб-чиқариш худудларидан фойдаланадилар.

Ташқи транспорт худуди темир йўл, сув, автомобил ва ҳаво транспорти иншоотлари билан банд бўлган худудларни ўз ичига олади.

Мавжуд техник классификацияга асосэн йўлларнинг 5 тонфаси мавжуд:

- I ва II типдаги давлатлараро автомобил йўллари киради;
- III ва IV типдаги республика автомобил йўллари киради;
- V тоифага махаллий автомобил йўллари киради.

I- III тоифадаги автомобил йўллари аҳоли пунктини айланиб ўтади. I, II ва III тоифадаги йўллар ўзаро ва бошқа йўллар билан устма-уст кесишадилар.

Чизгилар вариантларини баҳолашда қулайлик яратиш мақсадида ҳар бир функционал худуд бўйича ўртача - меъёрий нисбатлар қабул қилинади:

Турар-жой худуди 65%		Ташқи алоқалар худуди 5%
		Саноат худуди 20%
		Коммунал худуд 10%

Вариантларни ҳал этиш натижасида талабаларда функционал худудларнинг бир-бирига нисбати бўйича тушунча ҳосил бўлади, бу тушунча унга ишнинг нисбатларини ҳис этиш имкониятини беради.

2. Ижодий изланиш босқичлари.

Лойиҳалаш топшириш мавзуси бўйича клаузурадан бошланади. Ижодий жараённинг турли босқичларида фикрлар ўзгариб туради. Клаузура тасаввур доирасини кенгайтиради.

Лойиҳанинг ушбу босқичида турли хил омиллар ҳали муаллиф томонидан тўлиқ ўзлаштирилмаганлиги сабабли тасаввур ҳам тез-тез ўзгариб туриши табиийдир. *Клаузуранинг асосий шартлари:*

a) клаузура аниқ ҳолатга асосан бажарилади;
b) табиий муҳит кўп жиҳатдан ижобий фикр ва эстетик ғояни юзага келтирувчи фаол омил ҳамда таҳлил предмети ҳисобланади;
c) клаузура аниқ ижтимоий ишлаб-чиқарувчи базис бажарилади;
d) клаузура албатта геометрик ўлчамларга ҳар бир функционал худудни солиш билан бажарилади;
e) клаузура аппликатив коллаж, макет ёки плакат графикаси, шунингдек, сув, буёк билан аралаш графикада бажарилади.

Клаузуранинг асосий вазифалари:

a) Урбанистик фазовий муҳит ҳақидаги тушунча клаузуранинг асосий мақсади - ижодий тасаввурни рельеф, қурилиш худудлари, кўкаламзорлар ва сув ҳавзаларидан ташкил топган атроф муҳитни,

яъни урбанистик муҳитни ташкил этишга қаратилгандир.

б) Агромажмуа таркибидаги функционал ҳудудларнинг ўлчамлари ва ўзаро нисбатларини ўзлаштириш (умумий майдонда ҳар бир функционал ҳудуднинг улуши).

Биринчидан — санитария ҳудуди ва ишлаб-чиқариш ҳудуди, шамоллар гули, рельеф, транспорт ва пиёдалар йўлларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилади (2.5-расм).



Иккинчидан - асосий эътиборни одатда ошириб юборадиган жамоат маркази ва боғ ўлчамларига, шунингдек, турар-жой гурухларининг ажратиб турувчи ёки жамоат марказини ўраб-турувчи ҳудудларга қаратиш лозим. Бу ҳудуд кўпинча график равишда композицияга қўшилсада, функционал мажбурият касб этмайди (2.6-расм).



b) Меҳнатни, турмушни ва фан омилини ташкил этишнинг режавий принципи.

Клаузурани бажариш юзасидан қўйилган талаблар талабаларнинг ижодий фикрлашларига имкон яратади. Ишлар плакат графикаси, аппликация усулида, рангли қилиб, тушда бажарилиши, макет кўринишида

бўлиши мумкин. Функционал худудлар шартли белгилар билан белгиланади.

Лойиҳани безаш усулини талабанинг ўзи ҳал этади. Клаузуранинг умумий мақсади - бир-бирига ўхшаш маъмурий ечимлардан кечган ҳолда чекланмаган материалда иложи борича кўпроқ қизиқарли ғоялар яратишдир.

Клаузура якуни — функционал худудларнинг жойлашиш ва асосий транспорт алоқалари вариантини танлаш.

Жамоат маркази турар-жой худуди билан ишлаб-чиқариш худуди ўртасидаги боғловчи вазифасини бажаради. Жамоат маркази одатда посёлканинг геометрик маркази ҳисобланади. (2.7-расм).



3. Композицион усул.

Меъморчиликда ижод композициядан бошланади.

Клаузурада бирламчи композицион фикр ифодаланади. Клаузура даражасида асосий принципнинг юзага келиши унинг асосий график белгиси — «эмблемага» яқин келиши керак.

Композиция бир модуль турида оддий бўлиши (2.8-расм) ва турли пропорционал каторлар асосида мураккаб бўлиши мумкин.

Шуни эсда тутиш лозимки, кичик агромажмуа учун уларга бўйсунувчи кўп векторли тизим, шунингдек мураккаб ва кўп қиррали ритмик тузилиш мос келмайди.

Бош режа композициясини ечиш учун талабаларга режавий тузилманинг қуйидаги композицион усул ва ечимлар билан танишиб чиқишни тавсия этиш керак:

- компакт (жамлаган) режа;
- чизиқли режа;
- ўчоқли композиция;

- ранг-баранг ўчовли композиция;
- тартибли режа;
- эркин композиция;
- кўп ўқли композиция;
- расмиятли композиция;
- динамик композиция.



Посёлокни лойиҳалаш даврида режавий тузилманинг модуллик принципига амал қилиш лозим. Ушбу чизмаларнинг асосий вазифаси посёлок қандай қилиб ташкил топиши ва қандай бўлакларга квартал бўлинишини қурсатиб беришидир. қандай қилиб оддий тузилмадан (ховли режаси) бироз мураккаб ташкил топади, ундан эса янада - мураккаброқ - посёлок ташкил топади

4.Турли функционал худудлар таркиби.

Ҳар бир функционал худуд: турар-жой худуди, ишлаб чиқариш худуди, боғ, марказ – ўзининг геометрик ўлчамларидан ташқари зичлиги, "фактура"си, фазовий яхлитлиги ёки бўлаклардан иборатлиги характерланади. Қурилишнинг бу каби характеристикаси клаузурада тўқ ёки оч рангда, зич ёки зич бўлмаган панжара шаклидаги чизиқларда ва х.к. лар ёрдамида кўрсатилади.

5.Транспорт алоқалари.

Клаузурада аниқ ва асосланган транспорт алоқаси кўрсатилиши лозим:

1- мажмуа билан туман марказига олиб борувчи йўл ўртасидаги боғлиқлик;
2- посёлок маркази билан ишлаб чиқариш худуди боғлиқлиги;
3- саноат худуди билан турар-жой худудини кесиб ўтмайдиган туман миқёсидаги йўл ўртасидаги алоқа;
4- ердан фойдаланиш майдонлари билан лойиҳаланаётган худуд ўртасидаги транспорт алоқасини ҳал этиш.

(2.9-расм).



2.9. расм. Қарши чўлидаги қишлоқ посёлкаси бош режаси.

6. Вертикал пластик композиция.

Қурилиш қаватларининг ўсиш ёки камайиш гояси қуйидаги мақсадларни кўзлайди:

- алоҳида композицион нуқталарни, масалан, жамоат марказини, бўртириб кўрсатмоқ (2.10-расм);



- алоҳида гуруҳларни бир томон қурилишнинг баланд ёки паст бўлиши ҳисобга йўналтирилган (2.11-расм);

- рельеф морфологиясини алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадида ва уни бир томонга, масалан, сув ҳавзаси томонга қаратиш учун агромажмуа қурилишининг баланд ёки пастлигини йўналтириш (2.12-расм);



- асосий табиий омилларга боғлиқ бўлган шаҳарсозлик усуллари (2.13-расм);

Эътиборга олинадиган табиий омиллар:

- экстримал иқлим шароитлари;
- тоғ ландшафти, тоғ ён бағрида жойлашган агромажмуа зинапоя тизими шаклини эгаллайди.

2.13. расм.

Сув ҳавзаси бўйида лойиҳалаштиралаётган мажмуа амфитеатр шаклида бўлиши мумкин. Кўкаламзорлар ҳалқа шаклидаги посёлканинг ички муҳити бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Клаузуранинг асосий мақсади — талабаларни оддий меъморий масалаларни тузишдан сақлаган ҳолда, кўпроқ қизиқарли вариантларини ечишда ёрдам бериш.

Клаузурани яқуни — функционал зоналарни жойлаштириш ва асосий транспорт тармоқларини вариантини танлаш.

III-БЎЛИМ. Ижодий боскич.

Меъморий лойиҳалаш ўқув жараёнида муҳим ўрин тутади. Чунки, у нафақат янги билимлар билан бойитади, балки талабада мавжуд бўлган билим ва малакадан топширилган лойиҳани бажариши шаклида ижодий фойдаланиши имкониятини беради.

Муаллиф қанча кўп омилларни ҳисобга олса, лойиҳалаш жараёни шунчалик қизиқарли ва сермаҳсул бўлади.

Якуний лойиҳа - гоя ва мухитнинг ўзаро алоқаси натижасидир.

1. Табиий омиллар ва уларни лойиҳалаш жараёнида ҳисобга олиш.

Лойиҳалаштираётган объектнинг маъмурий режавий ечимига таъсир этувчи асосий омиллардан бири жойнинг табиий-иқлимий шароитларидир.

Ўзбекистон ҳудудаги агромажмуаларни лойиҳалаш асосан суғориладиган ерларда амалга оширилар экан, бундай лойиҳанинг алоҳида томонларини кўриб чиқамиз. Алоҳида томонлари эса табиий мухитдан бошланади.

Кучли шамоллар, ҳароратнинг кескин ўзгариши, ўсимликларнинг йўқлиги, тупроқ ғоваклиги, тупроқнинг шўрлиги, текис рельеф - буларнинг барчаси қишлоқ аҳоли пунктини лойиҳалаш ва қуришда катта таъсир ўтказувчи омиллардир.

Умумий композицияга ҳарорат режимининг таъсири сезиларлидир. Лойиҳалашда иложи борича аҳолини жамлаш ва уни юқори ҳароратдан максимал равишда ҳимоя қилиш керак.

Қурилиш, одатда, компакт турар-жой гурухлари шаклидаги бўлакчалардан ташкил топган, улар ёпик ўтиш йўллари ва кучаларга эга бўлади.

Микроиқлимнинг уйнинг ёки ободонлаштиришнинг ўзига хос турини танлаш ёрдамида барпо этиш тавсия этилади. Ҳовлили уйлар қурилиши, 2 - 3 қаватли уйлар қурилишда кенг корпусли уйлардан фойдаланиш, ошхона ва ёрдамчи хоналарни ажратиш, ички сув ҳавзалари ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Жойнинг шамол режими, яъни шамол кучининг ўрта стастистик қайтарилиб туриши режада *«шамол гули»* деб номланувчи диаграммада ифодаланади. Ободонлаштириш даражасида шамол режимини ҳисобга олиш хоналар азрашиясини, яъни ҳаво алмашишини ҳисобга олиш билан ифодаланади.



Халқ уйида шамоллашнинг ташкил этиш усули.

3.1-расм. «Ўғиг-ойнон» - Ўзбекистон.

А) Инсоляция. Иссиклик режими нафақат атроф мухит хароратига, балки инсоляция таъсирига хам боғлиқ. Инсоляциянинг салбий таъсири (қуёш нурининг кўпайиб кетиши) билан кўчалар, майдонлар, стадионлар минбарларни лойиҳалашда хисоблашиши лозим.

Турар-жойларни лойиҳалаштираётганда умуман қуёш нури тушмайдиган «соя худуд»лар хосил бўлишига йўл қўймаслик керак.

Б) Ландшафт. Рельеф шароитига кўра барча худудлар қурилишга яроклиги уйича 3 гуруҳга бўлинади: 10% гача нишабли ярокли шароит; 20% нишабли ярокли шароит, тоғ шароитида 30% гача; 30% нишабли қурилишга ярокси худуд.

Одатда суғориладиган ерларда қурилиш учун ажратиладиган худудлар ер тузилиши шаклини қайтаради, яъни тўғри тўртбурчак ёки квадрат. Бунда қурилиш композициясида фоал иштирок этиши мумкин бўлган бирон бир табиий фактор бўлмаслиги мумкин. Бундан ташқари, текис рельеф ва паст каватли биноларнинг кўплиги агромаҳмуа меъморий қиёфасининг, силуэтининг шаклланиши хамда унинг чиройли, ранг-баранг бўлишини қийинлаштиради.

Лойиҳалашда худудни мухандислик тайёрлаш масаласи кўпгина қийинчиликлар келтириб чиқаради. 0,003 нишабдан кам бўлган текис рельефда сув тармоқлари масаласини хал этиш мураккаб вазифа бўлиб колади. Бошқарув горизонтини барпо этиш учун суғориш тармокларини темирбетон ариклар тарзида ва суғориладиган ер сатҳидан юкори қилинади.

В) Кўкламзорлаштириш. Суғориладиган худудларда кўкламзорлаштириш хам ўз хусусиятларига эга - тупроқнинг кули минераллаштирилиши ва бой бўлмаган таркиби туфайли қурғоқчил ва шўр ерларда ўсимликларнинг ўсиши учун зарур бўлган экин экишга ярокли материалга эга бўлиш лозим.

Экинлар фойдаланиш характерига, ўлчамларига ва жойлашишига караб 3 гурухга бўлинади:

- умумий фойдаланадиган экинлар (3.2-расм);



- махсус вазифали (3.3-расм);





- чекланган миқдорда фойдаланадиган (3.4-расм);

Биринчи гуруҳга боғлар, хиёбонлар, бульварлар, йўл чеккасидаги экинлар, маъмурий ва жамоат бинолар худудидаги кукаламзорлар киради.

Иккинчи гуруҳга мактаблар, касалхоналар, коммунал бинолар, турар-жой олди худудларидаги кўкаламзорлар киради.

Учинчи гуруҳга қолган турдаги ҳимоя кўкаламзорларини ўз ичига олади - турар-жой худуди ва ишлаб-чиқариш худуди оралиғидаги санитария ҳимоя худуди, шамолдан саклювчи, сувчи ҳимоя қилувчи ва бошқа яшил экинзорлар.

Кўкаламзорларнинг барча турлари меъморий-режавий ечим билан узвий боғлиқ ҳолда бир тизим сифатида лойиҳалаштирилади. Шундай қилиб, яшил худудлар агромажмуанинг умумий структурасига қўшилиб кетади.

Ҳар бир шаҳарсозлик масаласини ҳал этишда ландшафтнинг мавжуд бўлган ва сунъий барпо этилаётган бўлаклари орасидаги мутаносибликни сақлаб туриш лозим. Бу муаммо кишлоқ аҳоли пунктларини ободонлаштирилган посёлкаларга айлантириш жараёнида ҳам мавжуд бўлади. Атроф муҳитни сақлаш, мақсадга мувофиқ фойдаланиш ва бойитиш — қайта тикланаётган ҳамда янгидан барпо этилаётган посёлкалар ландшафтини ҳал этишнинг муҳим масаласидир:

- «яшил боғлар» тизими (боғлар, хиёбонлар) (3.5-расм);

А)

Б)

В)



Г)



3.6.расм. аввалги икки турнинг умумлашмаси – бирлашган тизим



3.7.расм. Қурғоқчил туманларда сугоришни енгилаштирувчи "яшил доғлар" тизими мақсуддир.

Боғлар худуднинг 60 - 70% ни кўкламзорлар ташкил этади. Ишлаб-чиқариш худудини 6 – 10 м кенглигидаги яшил йўлакча билан ўралади ва турар-жой худудидан 60 м кенглигидаги санитария - ҳимоя алратгич билан ажратилади.

2. Ижтимоий - иқтисодий ва техник омиллар ва уларни лойиҳалаш жараёнида ҳисобга олиш.

Ҳаёт фаолияти турлари - жарён (меҳнат - маълумот - хизмат кўрсатиш - дам олиш - ҳаракат).

Шаҳарсозлик - бу жамоа ҳаёти функциясини ташкил этиш - бу қишлоқ жойлар ва шаҳар агломерация учун бир хил ҳолатдир. У тўрт функцияга олиб келади:

- турар-жой
- меҳнат
- дам олиш
- транспорт

Охирги функция барча аввалгиларини бирлаштиради.

ДАМ ОЛИШ



3. Функционал худудларга бўлиш.

Қишлоқ посёлкалари асосий худудларнинг ички режавий ташкил этишда худудни бўлиш принципларидан кенг фойдаланилади. Уларнинг ҳар бири ўзининг худудчаларига бўлинади:

- ишлаб-чиқариш худуди - биноларва иншоотларнинг функционал бир хиллиги ва технологик боғлиқлигига қараб гуруҳларга бўлинишига мос равишда;
- турар-жой - турар уйларнинг қаватлари сонига қараб.

Жамоат маркази худуди вазифасига кўра уч худудга бўлинади:

- меъморий бошқарув;
- маданий - оқартув;
- савдо.

Агромажмуа режавий тузилишининг ечими турлича бўлиши барча аҳоли учун қурилишнинг текамли бўлишини ҳисобга олган ҳолда томорка хўжалигини юритиш имкониятини яшашнинг санитария-гигиена меъморларини таъминлаган ҳолда, меъморий-режавий тизимини бузмай ҳал қилиш масалаларидан келиб чиқади.

Дастлаб худудни функционал бўлакларга бўлиб чиқиш лозим бўлади (3.8-расм):

1. Турар-жойлар;
2. Ишлаб-чиқариш;
3. Ташқи транспорт



3.8-расм.

Асосий шаҳарсозлик ғояси аҳолининг яшаши учун қулай шароитларни яратишга қодир бўлган функционал худудлар боғлиқлигини таъминлашдан иборатдир.

Турар-жой худуди қуйидагилардан ташкил топади:

- турар-уйлар худуди;
- жамоат маркази;
- мактаб ва болалар муассасалари;
- жамоат кўкаламзорлари худуд ва спорт иншоотлари;
- кўча ва йўлаклар.

3.9-расм. Агросаноат мажмуаси турар-жой худудининг бўлимчаларидан ташкил топишига мисол.

Турар-жой худуди функционал алоқалари сонига кўра ниҳоятда хилма-хил бўлиб, энг қулай ва оддийси қуйидагилар:

турар-жой - ишлаб-чиқариш;

турар-жой - марказ;

турар-жой - мактаб ва болалар муассасалари.

Турар-жойларни санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган худудларга жойлаштириш керак бўлади.

Маданий оқартув, жамоат-савдо ва маъмурий марказлар агломерациянинг функционал ва коммуникацион тузилмасида муҳим

ўринни эгаллайди.

Аҳоли пунктининг боғини марказга яқин жойда барпо этиш лозим, чунки боғ нафақат дам олиш учун, балки оммавий тадбирлар ва анъанавий байрамлар учун ҳам хизмат қилади

Спорт мажмуасини марказ, боғ ва мактаб яқинига жойлаштириш мухим, чунки у кундузи мактаб машғулотлари ўтказиш, кечқурун агромажмуа аҳолисининг жисмоний тайёргарлиги учун, шунингдек катта байрам ва спорт тадбирлари ўтказиш учун хизмат қилади (3.10-расм).

Жарликлар, тепалик ва қияликлар, сув ва дарё бўйларидан экинзорлар учун фойдаланиш керак.

Ишлаб-чиқариш худуди шамол йўналиши бўйича турар-жой худудидан паст томондан жойлашиши лозим.

Функционал худудларни аниқ бўлиб кўрсатиш имконияти бўлмаган, маҳаллий шароитга қараб уларни ўзаро бирлашган ҳолда ташкил этиш мумкин.



3.10-расм. Спорт ядроли 320 ўқувчига мўлжалланган мактаб бош режаси.

А-мактаб биноси; Б-хўжалик ҳовлиси ва биноси; Г-пойвонча; Д-омбор; Е-байроқ осгич; 1-спорт ядроси; 2-шиҳарча майдончалари; 3-волейбол майдончаси; 4, 5, 6 - 1-4 синф ўқувчилари учун спорт майдончаси; 7- 5-8 синф учун; 8- зоомайдонча; 9 - географик ва метеорологик майдонча; 10 - бошланғич синфлар майдончаси.

4. Маданий-маиший хизмат.

Барча маданий-маиший хизмат муассасаларини 7 гурухга бўлиш мумкин.

А) Маъмурий-хўжалик муассасалари.

Посёлоканинг маъмурий марказида жойлашади. Меъёрларга кўра 0,05 — 0,10 га худудни эгаллайди. Бир неча биноларни жолитлаштириш максадига мувофик.





3.11-расм. Агросаноатдаги маъмурий маркази

Б) Маданий-оқартув муассасалари.

Одатда клуб марказий майдонга жойлашади. Клуб кошида 0,5 га кўкламзорлар худуд бўлиши керак. Боғ мавжуд булса, клубни унинг худудига

жойлаштириш мумкин.

Алохида кинотеатр 7000 дан ортиқ аҳолиси булган посёлкада мавжуд бўлади. Бунда хар 1000 кишига 20 — 30 ўрин хисобланади. Ер майдони 0,25.

В) Овқатлантириш корхоналари ва савдо иншоотлари.

Саодо маркази қуйидаги бўлимлардан иборат: аралаш моллар дукони, ресторан-ошхона, меҳмонхона ва маиший хизмат уйи ва бошқалар. Озиқ-овқат дўконининг хизмат радиуси 750 м, саноат моллари учун - 1500 м, ошхоналар учун — 500 м. Хар бир агромажмуада нонвойхона бўлиши ва у саноат худудига якин жойлашмоги керак.

Г) Ўқув-тарбия муассасалари.

Болалар богчаси ва яслисидаги ўринлар сони 1000 аҳолига 70 - 90 ўрин хисобидан олинади. Болалар муассасаларининг ҳажми - 25 бола. Биноларо 50; 90; 140 ўринли бўлиши мумкин.

Болалар муассасалари аҳолига бир текис хизмат кўрсатишга мўлжаллаб ва ишга кетиш йўналишида жойлаштирилади. Хизмат радиуси 750 м дан ошмаслиги, ер майдони бир болага 40 м^2 дан ошмаслиги керак. Болалар хоналари шарқ-жануб ва жанубий-шарққа йуналтирилган бўлади. (3.12-расм.).



3.12-расм. 180 ўринга кенгайтиришнинг мумкин бўлган 90 ўринли болалар богчаси ер майдони. Бош режаси.

1-болалар богчасининг бир қаватли бинаси; 2-ёзги павильон; 3-ўйин майдончаси; 4-спорт майдончаси; 5-кенгузча; 6-ошхона; 7-ичиш бурчак; 8-волейбол; 9-кўкламзор хоналари; 10-ошхонага; 11-асосий кириш.

Мактабдаги ўринлар сони 1000 кишига 70 - 90 ўрин меъёрида олинади. Ер майдони 0,5 — 1,0 га.

Д) Спорт иншоотлари.

Спорт худуди 0,5 — 1,0 га майдонни эгаллайди ва футбол, майдони, волейбол, городки ўйинлари майдончаси ва бошқаларни ўз ичига олади. Спорт ядроси очиқ бассейн ва қайиқ бекатини ҳам уз ичига олиши мумкин (3.13-расм).



Е) Маиший ва коммунал хизмат иншоотлари.

МХК (маиший хизмат комбинати) 1 -1,5 км радиусга хизмат кўрсатиши мумкин. Мехмонхона 1000 кишига 3 - 5 ўрин меъёри буйича хисобланади. Мехмонхона савдо маркази билан бирлашган бўлиши мумкин. Ёнгин депосини 1000 кишига 25 м^3 майдон тўгри келади. Ёнгин депоси коммунал худудга жойлаштирилади.

Ж) Транспорт ва пиёдалар харакатини ташкил этиш.

Агромажмуанц лойиҳалашда пиёданинг кичик ахоли пунктларида керакли манзилга етиб бориши лозим. Посёлок ичида транспорт катнови асосан маиший максадлардан иборат.

Пиёдалар ва транспорт йуллари режада ўзига хос равишда ифодаланади автойул тўгри ва енгил бурилишли, пиёдалар йўли чиройли ва 100 - 300 м дан иборат инсон каламига мос кичик бўлаклардан ташкил топади.

Ташки транспорт алоқалари. Темир йул алоқалари учун 20 -25 м кенгликда ажратувчи йўлак керак бўлади. Йул ўқидан турар-уйларгача булган масофа 50 м дан кам бўлмаслиги лозим.



3.14-расм. Транспорт ва пиёдалар ҳаракатини ташкил этиш.

Автотранспорт иншоотларига қуйидагилар киради: автойўллар автовокзаллар, АЕҚШ, гаражлар, автотаъмир устаханалари. Автошоҳбекат билан автовокзал ер майдони 0,3 - 0,5 га.



3-15 расм. Қишлоқ йўлларининг кўндаланг кесими



3.16-расм. Қурилишларнинг квартал-блоки бериш йўллари усулидаги ечими.

5. Фазовий ташкил этиш.

4) Турар-жойлар худуди.

Агромажмуанинг режавий ечими унинг катта кичиклигига, транспорт ва пиёдалар харакатининг ташкил этилишига хамда турар-жойлар худудининг характерига боғлик. Турар-жой худудларининг режавий ечими хизмат кўрсатиш тизими, жамоат марказларига пиёдаларни етиб бориш имконияти ва турар-жой уйларига боғлик.

Турар-жой худуди бир бутун бўлиб боғланган уйларнинг режавий бўлакларидан ташкил топади.

Турар-жой худуди бир неча афзалликларга эга: узунлига, каватлар сони, меъморий-режавий ечими турлича уйлардан иборат чиройли композиция тузиш мумкин.

Б) Турар-жойлар.

Агромажмуа меъморий-режавий ечимига Ўрта Осиё халқ меъморчилиги анъаналари сезиларли таъсир кўрсатади.

Қишлоқ ахолисининг ўзига хос томонлари, айниқса, кўп болали оилаларнинг кўпчиликни ташкил этиши, турар-уйлар турини танлашда ўз таъсирини ўтказади: қурилиш учун асосан 3, 4, 5 хонадонлар танланади. (3.17-расм).



3.17-расм. 3 хонадонли турар-уй ер майдонини ташкил этиш мисоли.

1-турар-уй; 2-хўжалик ҳовлиси; 3-кўшалоқ ҳовлиси; 4-асалари уяси; 5-ошхона; 6-ошхона; 7-меҳмонхона; 8-декоратив ҳовлилар; 9-ноёб дарахтлар; 10-гулзор; 11-полиз; 12-боғчалар; 13-ўт-ўлан; 14-дарвоза; 15-кирма йўлаги; 16-тўсиқ; 17-ёғоч ошхона; 18-тош сурилма; 19-супа; 20-ховуз; 21- қайрағоч.

Қадимдан зич жойлашган кам қаватли уйлар мавжуд бўлиб, уларда атриум шаклидаги ховлилар бўлган. (3.18-расм).



3.18-расм. Хеали майдонини режалаш усуллари.

1-уй; 2-хўжалик хоналари; 3-ошхона; 4 - ошхона ушоқлари; 5-стол ва ўриндиқлар; 6-тўсиқ; 7-уй ҳовлисига кириш; 8-кириш эшиги; 9- компост чуқурчаси; 10-боғча; 11-мевали боғ; 12-пояс; 13-қўқонча; 14-ховуз.

Бизгача сақланиб колган гиламнуска турар-жойлар тузилмаси араб шаҳарларида мавжуд бўлиб, уйлари зич, ховлиси квадрат шаклида бўлади.

В) Агромажмуа меъморий-жамоат маркази.

Агромажмуа меъморий-жамоат маркази унинг хаёт фаолиятида муҳим ўрин тутади ва аҳоли турмуш тарзини белгилайди:

ижтимоий-маданий:

- Марказнинг агромажмуанинг бошка қисмлар билан ва худудлар билан қулай алоқасини таъминлаш, унинг таркибида тўлақонли маданий-маиший хизматни таъминловчи, ишбилармонлар учрашуви, тантанали мажлислар ва оммавий тадбирлар ўтказиш имкониятини яратиш;

бадиий-эстетик:

- Ягона охангда, нисбатда ва модул, қонуниятли фазовий композицияни юзага келтирувчи марказнинг яхлит, мазмунли меъморий-бадиий кўринишини таъминлаш;

санитария-гигиена:

- Худуднинг ободончилигини кўтариш, шамолнинг ва қуёш радиациясининг зарарли таъсирини камайтириш, марказни соғлом худудда жойлаштириш;

иқтисодий:

- Компакт қурилиш, бирлашган ва блоклар йиғиндисидан иборат мажмуалар ташкил этиш билан таъминланади.
-

Г) Меъмурий-жамоат марказининг функционал мазмуни.

Жамоат марказига қуйидагилар киради:

- маъмурий бинолар;
- маданий-маърифий бинолар;
- савдо-маиший бинолар.

Қурилиш композициясига 2 қаватли блоклардан иборат уйлар ва 4 қаватли уйлар киритилиши мумкин.

Марказни шакллантириш, функционал ташкил этиш, қурилишнинг бадиий хусусиятлари 3 ҳолатда очилади:

- марказнинг агромажмуа режавий тизимида жойлашув;
- марказ композициясида табиий ландшафтнинг ўзига хос томонларидан фойдаланиш;
- марказнинг меъморий-режавий ташкил этиши.

Марказнинг жойлашиш мисоллари 3.19-расмда келтирилган. Бу ерда қуйидаги вариантларни келтириш мумкин:

а) посёлканинг геометрик маркази;

б) кириш томонга бироз оғдирган ҳолда;

в) ишлаб-чиқариш худуди томонга силжитилган.



3.19-расм. Жамоат марказларини жойлаштириш мисоллари

Д) Марказ композициясида табиат ландшафтининг ўзига хос томонларидан фойдаланиш.

Табиат мухитида объектларни жойлаштиришнинг моҳиятини Корбюзье яхши тушунтириб берган.

Расмда барча нарса бетартиб жойлаштирилган: Парфенон водийда, тепаликда ёки тоғда жойлашган. Санта Мария доль Фиорена текис ерда, тепаликлар оралиғида ёки Акрополь чўққисида жойлашган. Готик собор далада, тепаликда ёки дала тубида жойлашган. Замонавий бино ҳам уч турдаги шароитда жойлашган.

Бу чизгилар назарий таҳлилда субъектив омиллар кўплигини кўрсатади. Ҳар бир ҳолатда «яхши ечимни» топиш мумкин. «Яхши ечим» дегани иложи борича иқлимий, ландшафт, ижтимоий-иктисодий ва маҳаллий анъаналар каби ўзига хос томонларни хисобга олиш демакдир. (3.20-расм).



6. Жамоат марказининг мальмурий-режавий ташкил этилиши.

Марказнинг композицияси ва фазовий ечимини ташкил этиши агломаломуанинг режавий ечимига ва майдонлар тизими ҳамда уларни боғлаб турувчи кўча ва хиёбонларга боғлиқ.

Жамоат марказларининг режавий ечими кўп ҳолларда композицион қурилмаларнинг қуйидаги принципларига мос келади:

1) ёпиқ майдон (3.21-расм);
2) бир-бирига қиришиб кетувчи майдонлар тизими (3.22-расм);
3) алоҳида жойлашган биноларни ўраб турувчи яхлит майдон (3.23-расм).



3.21-расм. 3.22-расм. 3.23-расм.

Марказни барпо этишнинг уч асосий усули мавжуд:

- алоҳида мақсадлаштирилган бинолардан ташкил топган;
- алоҳида бирлашган бинолар мажмуаси;
- бир-бирига қирқилиб кетувчи бир неча блоклар.

7. Лойиҳанинг техника-иқтисодий баҳолаш.

Лойиҳанинг ечимининг иқтисодий жиҳатдан тўғрилик даражаси қуйидаги кўрсаткичларга қараб белгиланади:

- аҳоли зичлиги;
- турар-жой фонди зичлиги (брутто);
- ҳудуд баланси.

Аҳолин зичлиги - бир га ерда яшовчи аҳоли сони яъни аҳолига. турар-жой фонди зичлиги - умумий майдонининг 1 га ҳудудга бўлинмасидан ташкил топади м^2/га. «Нетто», турар-жой фондини ҳисоблашда фақатгина турар-жой ҳудуди ҳисобга олинади. «Брутто» турар-жой фондини ҳисоблашда эса ташқи чегаралар ичида жойлашган барча турар-жойлар ҳудуди ҳисобга олинади.

Ҳудуд баланси олинган кўрсаткичларни меъёрий курсаткичлар (ҚМК-98) билан солиштириш имконини беради.

АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИ УЧУН НАМУНА-ИЛЛЮСТРАЦИЯЛАР:



Турар жой биноларни ва ишлаб чиқариш комплексларини ердан фойдаланувчи хўжаликларга жойлаштириш ва ташкил этиш схемаси.









1. II.



1

1. турар жой ва ишлаб чиқариш зоналарини транзит магистралининг бир томонига жойлаштирилган поселка худудини функционал зоналашга намуналар.

2. Транзит магистралининг икки томонига жойлаштирилган, поселка худудининг функционал зоналашнинг намуналари.



Поселканинг режалаштириш тизими 1 ашкил этишнинг турар жой ва ишлаб чиқариш зоналарини транзит магистраллар бўйича унинг бир томонига жойлаштириш бўйича ва

зонага алоҳида кириш ни ташкил этиш намуналари



Поселканинг режалаштириш тизимни ташкил этишда ишлаб чиқариш зонасини турар жойдан нарига транзит магистраллардан бир томонга жойлаштириш намуналари

Поселканинг режалаштириш тизимини ташкил этишда турар жой зоналарини жойлаштиришда ишлаб чиқаришдан транзит магистралларга тегишли намуналар



Поселканинг режалаштириш тизимини ташкил этишда турар жой зоналарини бир, ишлаб чиқаришни эса – транзит магистралларнинг бошқа томонига жойлаштиришга намуналар



Қишлоқ хўжаликдаги кўп тармоқли поселкалар худудини режалаштиришнинг ташкил этиш схемалари



Кўп тармоқли поселкаларда халқ ҳунармандчилиги савдо-ярмарқалари майдонларининг режавий структураси



ички зич мавзелар билан бир хонадонли ва кўп хонадонли блокировка қилинган уйларнинг қурилишида поселкенинг турар жой зоналаридаги архитектуравий-режалаштиришни ташкил этиш





Аралаш гуруҳли қурилиш билан поселканинг турар жой зоналарини архитектуравий-режалаштиришни ташкил этиш



Дарёнинг икки томонига жойлаштирилган, поселка архитектуравий режалаштириш композициялари намуналари



Мураккаб рельефда жойлаштирилган, поселканинг архитектуравий-режавий композициясига намуналар

Тоғолди поселкаларининг архиктекутравий режалаштириш композициялари намуналар

Қишлоқ хўжалигининг қурилиш панорамаси (Киргизистон)





Қишлоқ поселкаларининг иссиқ иқлимли районларининг архитектуравий-режалаштириш композициялари намуналари (Тожикистон, Киргизистон)





Йирик поселкининг маданий-маърифий маркази. Тарз ва тарх.



Функционал блоклар уйғунлигидаги ташкил этилган,
2000 ҳоли яшовчи қишлоқнинг жамоатчилик маркази комплекси



Платформада курилишдан аввалгиб жойлаштирилган, оролсимон жамоатчилик марказининг архитектуравий-режавий ташкил этилиши



Эрким жойлаштирилган жамоатчилик марказининг архитектуравий-режавий ташкил этилиши



Поселканинг жамоатчилик марказн курилиши композициясига баланд доминантанинг (асосий белги) киритилиши



Россиядаги поселкасининг жамоатчилик марказн лойиҳаси

Кивилай поселкасининг жамоатчилик маркази (Литва):
Парк томонидан умумий кўриниши; бош тарх



Плоть қишлоғининг жамоатчилик маркази лойиҳаси (Молодова):
Бош тарх; маданий марказнинг макети





Поселкадаги "Тожикистон 10 йиллиги" колхозининг жамоатчилик марказ: умумий кўриниши; бош тарх.



Поселкадаги томорқали яшаш уйлари кўчаларининг қурилиши

Блокировка (тўсилган) қилинган турар жой уйлари кўчаларининг қурилиши Ҳовли-жойли кварталлар ва ичкикварталларнинг бир ва икки хонадонли турар жой уйларининг қурилишининг архитектуравий-режавий ташкил этилиши


1
2
3
4
5
6


1
2
3
4
5
6





Кварталли, ичкикварталли, участкали блокировака килинган уйларнинг курилиши



Кўкаламзорлаштириш ва бульварларни ободонлаштиришга намуналар



Болалар ва катталар дам оладиган комплекс майдончаларнинг ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш



Мавзулараро участкаларнинг ховли-жой олдидаги икки хонадонли уйларнинг кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш планини тузиш



Дворец посёлкасидаги декоратив бог (Крокетстон).



Стадионлар ўзаклашган Ленинск посёлкасидаги парк



Ростов областидаги Владимирск станицасидаги парк ва дам олиш зонаси



Куйбишев областидаги "Ольгинск" қишлоқ-поселосидаги парк



Самарқанд вилоятидаги "Октябр" колхоз поселкасидаги парк



Кичик шакл ва ташқи ободонлаштириш элементларини жойлаштириш билан қишлоқ марказини мукаммал режалаштириш





Куйбишев областидаги қишлоқ поселкасининг парки





Турар жой қурилишида дам олиш майдончасини декоратив безатиш

1	Ўзбекистон ҳудудидаги қишлоқ посёлкаларининг лойиҳалашга мисоллар
	Мунтазамлик - тўғри бурчакли схема Посёлканинг шарқий секторида жойлашган саноат зонаси
	Серпих, пластик схема Посёлканинг ғарбий қисмида жойлашган саноат зонаси Посёлканинг геометрик марказида жойлашган умумий - маъмурий марказ
	Серпих - мунтазамлик схемаси Посёлканинг жанубий ғарбий секторида жойлашган саноат зонаси

2 Модулли лойиҳалаш принципи



3	Ўқув лойиҳасида қабул қилинган турар жойдан фойдаланиш типлари



Майдони - 800 м² 6 - 8 кишилик оилага мўлжалланган томорқа ва ховли типидаги кишлоқ уйи

1. Участка майдони - 800 м²
2. Яшаш жойи майдони - 90 м²



Майдони - 1000 м² 8 - 12 кишилик оилага мўлжалланган томорқа ва ховли типидаги кишлоқ уйи

1. Участка майдони - 1000 м²
2. Яшаш жойи майдони - 120 м²

Лойиҳада яшаш биноларининг ховли жой типидаги камида 2 ва 5 тадан кўп бўлмаган типлилари кўзда тутилади.

1) Ер участка майдони бўйича
2) Яшаш ва яшамайдиган жойларининг режалаштирилиши ва майдони бўйича
3) Сони ва ховли жойларининг қурилиши бўйича

5 Хусусиятига кўра турар жой бинолари

	Участка майдони 800 м ховли жой типидаги 1- 2 каватли турар жой уйи
	Участка майдони 1000 м ховли жой типидаги 1- 2 каватли турар жой уйи
	1-2-3-4 хонали билан хонадонлар 2 каватли секциялар бўйича турар жой уйи
	4 каватли блок секцияли турар жой 2-3-4 хонали билан хонадон

6 Кўчалар қиркимини ободонлаштириш



ИБОРАЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР

Аппликация	-	(лотинча aplico) бадиий тасвирни елимлаш, ёпиштириш орқали бажариш.
Коллаж	-	(французча collage) ранги билан асосида ажралиб турувчи материалларни елимлаш.
Ритм (маром)	-	элементларнинг маълум бир маромда қайтарилиб туриши.
Турар-жой	-	аҳоли жойлашган, турар-жой ҳудуди.
Ландшафт	-	(французча paysage) бирон-бир жой тасвири
Ташқи транспорт ҳудуди	-	Бу темир йўл, ҳаво, сув ва автомобил транспорти.
Туманни режалаштириш	-	Мамлакат бирон-бир ҳудудида ишлаб-чиқариш кучларнинг ривожланиш истиқболлари ва жойлаштиришнинг илмий асосланган комплекс режаси.
Шамол гули	-	Румб шаклида шамол кучининг асосий йўналишининг ифодаси. Шамол гули ҳар ойда, ҳар мавсумда ва ҳар ярим йил учун тузилиши мумкин.
Композиция	-	(лотинча compositio) ўз мазмунига, вазифаси, характерига кўра яратилган, бадиий асар қурилиши.
Тузилма (структура)	-	Объектнинг яхлитлигини таъминловчи қатъий алоқалар жамланмаси.
Нисбат	-	Табиатдаги узунлик ўлчамлари билан чизма, режа ва харитадаги узунлик ўлчамларининг муносабати.
Модуль	-	Архитектура ва қурилишда мажмуалар, иншоотлар ва уларнинг бўлинмалари ўлчамларининг аввалдан қабул қилинган ва қайтарилган ўлчов.
Функционал ҳудудлар чизмаси	-	Аҳоли яшаш ҳудудининг функционал бўлакларга бўлиниши.
Аҳоли жойлашуви	-	Аҳолини ва унинг ҳаёт фаолияти учун зарур бино ва иншоотлар жамланган аҳоли яшайдиган ҳудудлар йиғиндиси.
Ердан фойдаланиш	-	Аҳоли меҳнат қилдиган далалар,

чизмаси		транспорт алоқалари, асосий объектлар кўрсатилган қишлоқ хўжалик корхоналари худуди.
Етиб бориш радиуси	-	У ёки бу объектга етиб бориш йўлининг метрларда ифодаланган кўрсаттич.
Агромажмуа	-	Умумий технологик жараён билан бирлаштирилган ишлаб-чиқариш объектлари ва шу ишлаб чиқаришда банд бўлган аҳолини йиғиндиси.
Эмблема	-	(грекча emblema) ғоя ёки тушунчанинг шартли белгиси.
Шаҳарсозлик гуруҳи	-	Бевосита ишлаб-чиқаришда банд бўлган одамлар сони.
Лойиҳалашнинг шаҳарсозлик воситалари	-	Аҳоли пунктининг ҳаёт фаолияти элементлари.
Прогнозлаш	-	Аниқ ривожланиш истиқболларининг махсус илмий текширувчилари.
Бирламчи композицион гипотеза	-	Таҳлилий ғоя тузиш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. "Ўзбекистон мустакиллик остонасида" Т., Ўзбекистон, 2012.
2. Ле Корбюзье. Архитектура XX в. Москва, 1970 й.
3. Балакшина Е.С. Благоустройства территории жилой застройки. Москва, 1970 й.
4. Бошров Р. Формирование общественныгх центров сельских населённых мест. Москва, ЦНТИ, 1972 й.
5. Моханько Б.А. Архитектурно-плани-ровочная и пространственная структура сельских посёлков. Москва, 1977 й.
6. Островский В. Современное градостроите-льство. Москва, «Стройиздат», 1979 й.
7. Виншу И.А. Архитектурно-планировочная организация сельских населённых пунктов. Москва. «Стройиздат», 1986 й.
8. Архитектура строительства Узбекистана. №4, 1991 г.
9. Немировский В.И. Актуальные вопросы, современной проектно-планировочный документации в новых условиях социально-экономического развития села. 1991 й.
10. Архитектура — планировочная организация территории сельскохозяйственных предприятий. КМК 2.07.04-98 г.
11. Латипов Д.В. Мирзаев М.К., Ўзбекистон Республикаси шахарсозлик асослари. Ўқув қўлланма. Т.2000 ТАҚИ.
12. Исамухамедова Д.У. " Шахарсозлик асослари " Ўқув қўлланма, Тошкент, 2000.
13. Концепция развития градостроительства Узбекис-тана в новых социально-экономических условиях. Гос. Бюджет, 2001 г.
14. Мирзаев М.К. Туманни режалаштириш асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент, ТАҚИ, 2001.
15. Проблемы проектирования сельских посёлков в новых рыночно-экономических условиях Узбекистана. Сборник Тезисов 2003 г.
16. ЎзШахарсозлик ЛИТИ. Ўзбекистон республикаси вилоятларнинг 1993 — 2003 йй. туманни режалаштириш схемалари.
17. Планирование развития и застройки территории городских и сельских населенных пунктов" ШНК 2.07.03 Госархитекстрой – 2003 г.
18. Консепция развиция градостроительства Узбекистана в условиях формирования новых социально-экономических отношений. Т, ТАСИ 2008.
19. Исамухамедова Д.У., Исмоилов А. Т., Хотамов А. Т. "Инженерлик ободонлаштириш ва транспорт". 2009.

20. "Шахарсозлик асосларида ландшафт архитектураси". Исамухамедов Д.У., Адилова Л.А. 2010.

21. http://www.arhitekto.ru/txt/2razv16.shtml

22. http://www.glazychev.ru/books/mir_architektury/glava8glava08-01.htm

23. http://www.natlib.uz/rus/calendar2006.pdf- Национальная библиотека Узбекистана

24. http://www.archunion.com.ua/slovarik.shtml- Архитектурная энциклопедия

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ	3
I-БЎЛИМ. Курс лойиҳасини бажаришнинг босқичлари ва услуби	7
1. Тайёрлов, ахборот босқичи	7
2. Ижодий изланиш босқичи	7
3. Ижодий жараён босқичи	8
4. Лойиҳани график усулда бажариш	10
II-БЎЛИМ. Асосий қисм. Кириш	11
1. Ҳудудни функционал бўлакларга бўлиш	15
2. Ижодий изланиш босқичлари	17
3. Композицион усул	19
4. Турли функционал ҳудудлар таркиби	21
5. Транспорт алоқалари	21
6. Вертикал пластик композицияси	26
III-БЎЛИМ. Ижодий босқич	24
1. Табиий омиллар ва уларни лойиҳалаш жараёнида ҳисобга олиш	24
2. Ижтимоий-иқтисодий ва техник омиллар ва уларни лойиҳалаш жараёнида ҳисобга олиш	30
3. Функционал ҳудудларга бўлиш	30
4. Маданий-оқартув хизмати	33
5. Фазовий ташкил этиш	39
6. Жамоат марказининг маъмурий -режавий ташкил этилиши	44
7. Лойиҳани техник-иқтисодий баҳолаш	45
Агросаноат мажмуаси учун намуна-иллюстрациялар	46
ИБОРАЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР	74
Фойдаланилган адабиётлар	77

СОДЕРЖАНИЕ

ПРЕДСЛОВИЕ 3
ГЛАВА I. Последовательность и методика разработки курсового проекта 7
1.Подготовленный, информационный этап 7
2.Этап творческого поиска 7
3.Этап творческой разработки 8
4.Этап графического выполнения проекта 10
ГЛАВА II. Основная часть. Введение 11
1. Распределение территории на функциональные зоны 15
2.Этап творческого поиска 17
3.Композиционный приём 19
4.Структура различных функциональных зон 21
5.Транспортные связи 21
6.Вертикальная пластика композиции 26
ГЛАВА. III. Этап творческой разработки 24
1.Природные факторы и учет их в процессе проектирования 24
2 Социально-экономические и технические факторы и учёт их в процессе проектировани 30
3.Функциональное зонирование 30
4.Культурно-бытовое обслуживание 33
5.Пространственная организация 39
6.Архитектурно-планировочная организация общественного центра 44
7.Технико-экономическая оценка проекта 45
Примеры-иллюстрации по агропромышленным комплексам 46
ТЕРМИНЫ И ПОНЯТИЯ 74
Использованная литература 77

CONTENTS

Introduction..... 3
I . Sequence and a technique of development academic year project 7
1.A preparatory information stage..... 7
2. A stage of creative search..... 7
3.A stage of creative development..... 8
4.A stage of graphic performance of the project..... 10
II. The basic part. Introduction..... 11
1.Distribution of territory to functional zones..... 15
2.A stage of creative search..... 17
3.Composite reception..... 19
4.Structure of various functional zones..... 21
5.Transport communications (connections)..... 21
6.Vertical plastic of a composition..... 26
III. A stage of creative development..... 24
1.Natural factors and their account in process design..... 24
2.Sicial and economic and technical factors, and their account during designing..... 30
3 Functional zoning..... 30
4 Cultural consumer services..... 33
5.Designing the organization..... 39
6.Architectural-planing organization the public center..... 44
7.A technical and economic estimation of project..... 45
Primeri-illyustrasi po agropromishlennim kompleksam..... 46
TERMS AND CONCEPTS..... 74
THE LITERATURE..... 77

Buyurtma 4/2013
Bosishga ruxsat etildi 06.02.2013 y.
Bichimi 60x84, 1/16, Bosma tabog'i - 5,25 b.t.
"Arxitektura qurilish integratsiya va innovatsiya Markazi"ning
bosmaxonasida chop etildi.
Toshkent sh., Navoiy ko'chasi, 13.